

“Ўзбекистон темир йўллари” АЖ
бошқарув раисининг 2015 йил
«_____» _____ №_____ -сонли
буйруғига илова

**«ЎЗБЕКИСТОН ТЕМИР ЙЎЛЛАРИ» АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ
“ҚАРШИ МИНТАҚАВИЙ ТЕМИР ЙЎЛ УЗЕЛИНИНГ”**

У С Т А В И

I. Умумий қоидалар (маълумотлар)

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 24 апрелдаги «Акциядорлик жамиятларида замонавий корпоратив бошқарув услубларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-4720-сонли Фармони ҳамда «Ўзбекистон темир йўллари» ДАТК Кенгаши ва ягона акциядорининг 2015 йил 30 апрелдаги №59-сонли қўшма йиғилиши қарорига мувофиқ, таркибий бўлинмалар номланишини қонун талабларига мувофиқлаштириш мақсадида, «Ўзбекистон темир йўллари» ДАТКнинг 2015 йил 2 июндаги «Таркибий бўлинмалар номланишини қонун талабларига мувофиқлаштириш тўғрисида»ги №249-Н-сонли буйруғига асосан, «O’zbekiston temir yo’llari» ДАТК номи «O’zbekiston temir yo’llari» aksiyadorlik jamiyatiga ўзгартирилганлигини ва Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига 2015 йил 28 майда давлат рўйхатидан ўtkazilgan. “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ бошқарув раисининг 2015 йил 4 августдаги №308-Н-сонли “Ўзбекистон темир йўллари” АЖни реструктуризация қилиш тўғрисида”ги буйруғига асосон Қарши минтақавий темир узели “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ ташкилий тузилмасига киритилган.

2. Қарши минтақавий темир йўл узели кейинги матнларда “Узел” “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ кейинги мантларда (акциядорлик жамият) деб юритилиб, узел жамиятнинг таркибига киради ва белгиланган чегараларда истеъмолчиларга темир йўл транспорти хизматларини тақдим этувчи юридик мақомга эга таркибий бўлинма ҳисобланади.

3. Узел акциядорлик жамиятининг таркибий бўлинмаси ҳисобланади. Узелнинг бошқариш аппарати унинг таркибига кирувчи бўлинмаларга нисбатан хўжалик бошқарувининг юқори турувчи органи ҳисобланади.

4. Узелнинг фаолияти Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Олий Мажлис қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари, Вазирлар Махкамасининг қарор ва фармойишлари, темир йўл транспортида харакат хавфсизлигини назорат қилиш бўйича Давлат инспекцияси қарорлари, юкларни ташиш қоидалари, “Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамияти бошқаруви раиси буйруқлари, бошқа меъёрий хужжатлар, шунингдек ушбу Устав асосида амалга оширилади.

5. Узел Устави акционерлик жамият бошқаруви раиси томонидан тасдиқланади ва махаллий хокимият органлари томонидан руйхат олинади.

6. Узел юридик шахс ҳисобланаб, мустақил балансга, банк муассасаларида ҳисоб рақамига, мустақил бухгалтерия ва статистика ҳисботига, юмалоқ рамзли гербли мухри ва бурчак штампига эга.

7. Акциядорлик жамият ва узел ўртасидаги молиявий-хўжалик алоқалар ҳамда узел ва унинг бўлинмалари орасидаги муносабатлар тасдиқланган Низом орқали бошқарилади.

8. Узелнинг манзили: Ўзбекистон Республикаси Қашқадарё вилояти, Қарши шахри, Ўзбекистон кўчаси 8-уй, почта индекси 180106.

II. Узелнинг асосий вазифалари ва функциялари

9. Узелнинг асосий вазифалари қўйидагилар:

- аҳоли ва хўжалик субъектларини темир йўл ташишларига бўлган эҳтиёжини тўла ва ўз вақтида қондириш;
- ташувлар минтақавий бозори конъюнктурасини ўрганиш уларнинг инфратузилмасини шакллантириш, шунингдек темир йўл тармоқларини ривожлантириш чора-тадбирларини амалга ошириш;
- темир йўл транспортининг хизмат кўрсатиладиган худуд доирасида барқарор ва хавфсиз ишлишини таъминлаш, фойдаланувчиларга кенг кўламда темир йўл хизматларини кўрсатиш;
- жойлардаги давлат хокимияти ва бошқарув органлари билан биргаликда темир йўл транспорти бўлинмаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлашга доир чора-тадбирлар мажмуасини амалга ошириш;
- хизмат кўрсатиладиган худуддаги темир йўл тармоқларининг барқарор ишлишини, ҳамда темир йўлларининг ўтказиш қобилиятини ошириш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;
- Ўзбекистон Республикаси чегаралари орқали юк ва йўловчиларни ташиш борасида жойлардаги божхона ва солиқ органлари, чегара хизмати билан аниқ мувофиқлаштирилган ҳолда ўзаро ҳамкорликни таъминлаш.

10. Узел ўз зиммасидаги вазифаларни амалга ошириш учун қўйидаги функцияларни бажаришни таъминлайди:

a) ташиш жараёни доирасида:

- белгилangan юк ташиш режаларини бажаришни таъминлаш;
- белгилangan чегаралар доирасида, шу жумладан давлатлараро туташ пунктлари орқали, чегаралар божхона ва хуқуқни ҳимоя қилиш органлари билан биргаликда юк ва йўловчи поездларини тўсиқсиз ўтишини таъминлаш;
- Узел минтақавий бўлинмаларидаги барча техник жихозларни шай ҳолда тутиш;
- юк ташиш ҳужжатларини тўлдириш қоидаларига амал қилиш;
- ёнғин хавфсизлигини, юк, почта, багаж ташиш ҳамда транспорт воситалари хавфсизлигини таъминлаш;
- фавқулотда вазиятларинг вужудга келиш шароитларида тадбирларни бажаришни ташкил қилиш;
- ташиш жараёнида қатнашувчи барча бўлинмаларнинг ўзаро аниқ ҳамкорлигини таъминлаш;
- портловчи, тез ёнувчи ва заҳарли моддаларни ташиш жараёнида хавфсизликни таъминлаш чораларини кўриш;
- темир йўл транспорт воситаларини фалокатсиз ташиш чора-тадбирларини ташкил қилиш ва бажариш;
- давлат сирларини ва хизматга тааллуқли маълумотларни тарқалишини олдини олувчи чора-тадбирларни кўриш;

- атроф-мухит, табиат муҳофозаси, стандарт ва сифат қонун қоидаларига риоя қилиш;
- 6) иқтисод ва молия соҳасида:
 - бўлинмаларни хўжалик бошқарувини ташкил қилиш;
 - Узел таркибига кирувчи бўлинмаларнинг барча фаолият турлари бўйича молиялашни ташкил қилиш;
 - Узел Ўзбекистон Республикасининг «Бухгалтерлик ҳисоби тўғрисида»ги Қонуни бўйича, бухгалтерлик ҳисобининг миллий стандартларига мувофиқ ҳолда бухгалтерлик ҳисобини юритиш. Молиявий ва статистик ҳисботни амалдаги қонунчилик хужжатлари билан белгиланган тартибда амалга ошириш;
 - Узел белгиланган тартибда акциядорлик жамиятига, солик ва бошқа давлат идораларига амалдаги қонун хужжатларига мувофиқ равища ўз молиявий-хўжалик фаолиятининг натижалари ҳақидаги зарур бўлган маълумотларни тақдим этиш;
 - темир йўл хизматлари учун барча тўловларни ўз вақтида ва тўла ундириш ҳамда уларни жамиятнинг асосий даромад ҳисоб рақамига ўтказиш;
 - ташилган юклар учун дебитор қарзларни ва уни тугатилишини назорат қилиш ва уни ҳисобга олиш, дебитор қарзларни ундириш бўйича хужжатлар тайёрлаш ва уни хўжалик судига ошириш;
 - бекатлардаги юк-товар идорасида ўта муҳим бўлган хужжат ва рақаларини сақлашни таъминлаш;
 - Узел бўлинмалари молиявий-хўжалик фаолиятининг истиқбол кўрсаткичларини тузиш;
 - транспорт техника воситаларини ҳамда иморат ва иншоатларини таъмирлашни ташкил қилиш;
 - Узел ходимларининг иш ҳақлари ва мукофотлаш системаси ва турларини аниқлаш ҳамда бу ишларни бўлинмаларда назорат қилиш;
 - соғ тушумнинг (амалдаги қонунчилик асосида) белгиланган миқдорида нафақа жамғармасига бадаллар, қўшимча қийматга солик, даромадга солиғи ҳамда автойўл фондига ажратма тўловлари инфратузилмани ривожлантириш учун солиқлардан ташқари хамма турдаги солиқлар ва чегирмалар тўловлари ва ҳисобларини амалга ошириш;
 - бекатлардан ва давлатлараро туташ пунктлардан Қарши технологик маркази ва “Ўзтемирийўлҳисоб” марказига ташиш хужжатлари ҳамда ундирилган тўловлар бўйича ҳисботларни ўз вақтида етказиш;
 - дебитор ва кредитор қарзларни камайтириш бўйича чора-тадбирлар тузиш ва уни бажариш;
 - Узел таркибий бўлинмалари ходимларини мукофотлаш Низомини тасдиқлаш;
 - Узел ҳамда таркибий бўлинмалар иқтисодий ва ижтимоий тараққиётининг истиқбол режаларини тузиш;
 - қурилиш - монтаж пудрат ишларини амалга ошириш;
 - ўзининг таркибий бўлинмаларига ва чет ташкилотларга материаллар сотиш;
 - хўжалик судларида ва бошқа давлат органларида Узел ва таркибий бўлинмалари хуқуқ ва манфаатларини муҳофаза қилиш;

- Узел бўлинмалари йигма балансини тузиш ва уни керакли давлат органларига тақдим қилиш.
- в) техник сиёсат соҳасида:
- янги техника ва технологияларни, илғор тажрибаларни жорий этиш, ихтиро, рационализаторлик ва патент-лицензия этиш фаолиятини ривожлантириш;
- атроф муҳитни заарли чиқиндилардан саклаш ва экологик тоза технологияларни, жараёнларни ва заарли чиқиндиларни камайтирадиган транспорт воситаларини кенг жорий этиш.
- г) моддий техника таъминоти соҳасида:
- Узел мінтақавий бўлинмаларининг асосий воситаларини соз холда тутиш ва уларни нормал ҳолда ишлатиш учун керакли бўлган эҳтиёт қисмлар ҳамда ёнилғи-энергетика ресурслари билан таъминлаш;
- фалокатлар, авариялар ва бошқа назарда тутилмаган ҳодисаларнинг оқибатларини бартараф этиш учун моддий-техника ресурсларнинг барча турларидан заҳиралар ташкил этиш;
- ресурслар ва энергияни тежаш бўйича ишларни ташкил этиш;
- фавқулотда вазият даврида Узелнинг сафарбарлигини таъминлаш учун моддий техника ресурслари заҳираларини тузиш ва тайёрлигини таъминлаш.
- д) кадрлар, меҳнат ва ижтимоий масалалар соҳасида:
- ходимларни саралаш, уларнинг хизматда ўсишини, маъсулиятини оширишни рағбатлантирилиши ва ижтимоий муҳофазаси шароитларини яратиш билан шуғулланиш;
- Узел эҳтиёжи асосида кадрларни касбий ва иқтисодий ўсишини ташкил этиш;
- ўкув муассасаларида мутахассислар ва оммавий касблар бўйича кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини оширишни ташкил қилиш;
- самарали кадр сиёсатини ўтказишни таъминлаш;
- поездлар ҳаракати билан бевосита боғлиқ бўлган Узел ходимларининг тасдиқланган жадвал асосида ишлайдиган (машинистлар ва бошқалар) дам олиш вақти ва иш вақти режимини бажаришни таъминлаш;
- Узел ходимлари аттестациясини ўтказиш, ишлаб чиқариш маданиятини ошириш, меҳнат ва техника хавфсизлигини таъминлаш.

11. Санаб ўтилган вазифалардан ташқари, Узел темир йўл транспорти обьектларидан фойдаланиш қоидалари, манёвр ишлари ва поездлар ҳаракати ҳавфсизлигини таъминлаш талабларини ўз бўлинмалари томонидан бажарилишини назорат қиласи.

III. Минтақавий темир йўл узелининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари.

12. Узел таркибига кирувчи бўлинма ходимлари акциядорлик жамият ҳодимлари учун белгиланган барча ҳуқуқ ва имтиёзлардан фойдаланадилар.

13. Акциядорлик жамият Узел мажбуриятлари бўйича маъсулиятли бўлмагандек, Узел ҳам “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ мажбуриятлари бўйича жавобгар эмас.

14. Акциядорлик жамият таркибига кирмайдиган корхона ва муассасалар учун кўрсатилган хизматлар ва бажариладиган ишлар бўйича шартномалар орқали қонунчиликда белгиланган тартибда нархларни белгилаш;

15. Узел ваколати чегарасида биргаликда ишламоқчи бўлган бошқа корхоналар ва алоҳида шахслар билан қонунчиликда белгиланган тартибда ўзаро фаолиятни амалга ошириш;

16. Узел акциядорлик жамияти рухсати билан ишчиларнинг ойлигини тўлаш учун кредитлар олиш ва уни тўлаш.

IV. Узел фаолиятининг бошқарилиши.

17. Узел ва унинг девони фаолиятини бошқариш Узел бошлиғи томонидан амалга оширилади.

18. Узел бошлиғи, Узел бошлигининг ўринбосари, бош мұхандис “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ бошқаруви раисининг буйруги билан лавозимга тайинланадилар ва озод этиладилар.

19. Узел бошқаруви бўлинмаларининг бошлиқлари ишга “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ раҳбарияти томонидан тасдиқланган штатлар жадвалига асосан келишилган ҳолда тайинланадилар ва ишдан озод этиладилар.

20. Узел бошлиғи йўқлиги вақтида унинг мажбуриятлари бош мұхандис ёки бошлиқ ўринбосарига Узел бошлиғи буйруги билан юкланади.

21. Узелнинг бошлиғи:

- тасдиқланган штат жадваллари асосида кадрларни саралаш ва жойлаштириш ишларини амалга оширади;
- ўз ваколати доирасида Узелнинг барча ходимлари учун мажбурий бўлган кўрсатмалар, йўриқномалар ва буйруқларни чиқаради.

22. Узел бошлиғи қўйидагилар бўйича шахсан жавобгардир:

■ Узелга юкланган вазифаларнинг ўз вақтида бажарилишини тъминлаш;

■ Узел статистик хисботларини тўғрилигини тъминлаш, стратегик ва тижорат сирлари билан боғлик маълумотларни ошкора қиласлиларни:

- маблағларнинг мақсадли ишлатилиши.

23. Узел бошлиғи қўйидаги хуқуқларга эга:

бошқа корхоналар ва ташкилотлар билан хўжалик шартномаларини тузиш, бажарилишини назорат қилиш ва қонунчиликда белгиланган тартибда бекор қилиш;

хўжалик шартномалари тузиш учун бўлинма бошлиқларига ишончномалар бериш;

Акциядорлик жамияти бошқаруви раисига бўлинмаларнинг қайта тузилиши, бўлиниши, уларнинг бекор қилиниши, бирлашиши, Узел таркибига кирувчи бўлинмаларнинг тузилмасини такомиллаштириш мақсадида техник ва иқтисодий асосланган таклифларни киритиш;

Акциядорлик жамиятга тегишли бошқармалар ва марказлар билан мувофиқлаштирилгандан сўнг, Узел таркибига кирувчи бўлинмалар Низомларини тасдиқлаш;

Узел таркибига кирувчи бўлинмаларнинг ишлаб-чиқариш ва молиявий кўрсаткичларини тасдиқлаш;

Узел таркибига кирувчи бўлинмаларнинг тузилмавий структурасини ва штатлар жадвалини тасдиқлаш;

Банкларда ҳисоб рақами ва бошка турдаги рақамлар очиш;

Ўзининг бўлинмаларига ишчиларга ойлик тўлаш учун, банкларда суб. рақамини очишга рухсат бериш;

Шуъба корхоналар ва хўжалик жамиятларини (шу жумладан, кичик ва ўрта бизнес субъектларини) ташкил этиш, мулкини сотиш фақатгина “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ бошқаруви рухсати билан амалга ошириш.

V. Узелнинг мулки, воситалари ва маблағлари

24. Узелнинг Устав жамғармаси Узел таркибига кирувчи бўлинмалар мулки асосида шаклланади. Узел устав жамғармасининг миқдори 2015 йил 1 октябрь ҳолатига 84694443 минг сўмдан иборат бўлиб, акциядорлик жамият бошқаруви раиси буйруги билан тасдиқланади.

25. Узелнинг мулкини асосий ва айланма маблағлар ҳамда Узел балансида қиймати ифода этиладиган бошқа мулклар ва пул маблағлари ташкил этади.

26. Узел юридик шахс бўлиб ҳисобланади ва балансида ўз мулкига эга. Ўз номидан мулкий ва шахсий номулкий хуқуқларга эгалик қилиш ва амалга ошириш, маъсулиятли бўлиш ва судларда даъвогар ва жавобгар бўлиш хуқуқига эга.

27. Узел ўз ихтиёрида бўлган мулк ва маблағларни ҳамма бўлинмаларнинг манфаати учун ишлатади, белгиланган тартибда қуриш, тиклаш, харид қилиш, кўчмас ва кўчар мулкни амалдаги қонунчиликда белгиланган тартибда ижарага олиши ва бериши мумкин.

28. Узел ўз бўлинмалари фаолиятини назорат қиласи, аниқланган камчиликларни бартараф этиш бўйича тадбирлар ишлаб чиқади.

29. Узел ихтиёрига мулк хўжалик юритиш хуқуки асосида берилади.

30. Иқтисодий жиҳатдан фойдаланилиши мақсадга мувофиқ бўлмаган, бутунлай эскирган асосий воситаларни ҳисобдан чиқариш Узел томонидан амалга оширилади, бошқа темир йўллар участкалари ва ҳаракатдаги таркиблар (составлар) бундан истиснодир, чунки улар “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ раҳбариятининг рухсати билан ҳисобдан чиқарилади.

VI. Ҳисобга олиш, ҳисбот ва назорат

31. Амалдаги қонунчиликка ва норматив-хуқуқий далолатномаларга асосан Узел ўзининг ва бўлинмалари фаолиятининг тезкор, молия ва статистик ҳисботини олиб боради;

32. Бўлинмалар ўрнатилган тартиб бўйича ҳисбот ва маълумотларни Узелга, Узел эса ҳисбот ва маълумотларни “Ўзбекистон темир йўллари” АЖнинг ижро этувчи органларига тақдим қиласи;

33. Мулк ва воситаларнинг ишлатилишини, иш фаолиятининг натижаларини, солиқ қонунчилигига амал қилинишини Узелда ва бўлинмаларда назорат қилиш “Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамиятининг ижро этувчи аппарати, солиқ ва бошқа давлат органлари томонидан, уларнинг ваколати чегарасида бажарилиши мумкин.

VII. Узелнинг қайта тузилиши ва тугатилиши

34. Узелнинг қайта тузилиши ёки тугатилиши Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилиги ва “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ уставига мувофиқ холда амалга оширилади.